2006 ЙИЛ, 7 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 108 (10.665)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 6 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ СИЁСИЙ БЮРОСИ ДОИМИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ АЪЗОСИ ЛИ ЧАНЧУННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Сизнинг ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, маданият, таълим каби соҳаларда ҳам изчил ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — деди Ислом Каримов. — Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг бугунги ҳолатини, алоқаларнинг ҳозирги суръатини юксак баҳолаймиз ва қадрлаймиз.

Мамлакатларимизнинг анъанавий дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларида икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган ўзаро ишонч ва ҳурмат-эътибор муҳим аҳамият касб этади. Ҳамкорликнинг барча соҳаларини ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон-Хитой муносабатлари қарийб 150 давлатлараро ва бошқа мақомдаги ҳужжатларга асосланади. Айниқса, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланган икки томонлама алоқалар тарихида муҳим воқеа бўлди.

2005 йилда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 485 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 202 фоизга ўсди.

Яна бир эътиборга молик томони шундаки, мамлакатларимиз ўртасида изчил ривожланиб бораётган сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик нафақат Ўзбекистон-Хитой алоқалари, балки минтақавий ва халқаро миқёсдаги кўп томонлама муносабатларда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Бунга Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги алоқалар яхши мисолдир. Жаҳон сиёсат майдонида бу ташкилотнинг нуфузи тобора ортмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларнинг истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Парламентлараро ва сиёсий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид фикрлар илгари сурилди. Ижтимоий- маданий алоқалар ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик борасида сўз юритилди.

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ХИТОЙ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ СИЁСИЙ БЮРОСИ ДОИМИЙ ҚЎМИТАСИ АЪЗОСИ ЛИ ЧАНЧУНЬ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ Э.ХАЛИЛОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Суҳбат чоғида стратегик ҳамкор давлатлар ҳисобланган Ўзбекистон билан Хитой ўртасида барча соҳаларда, жумладан, парламентлараро алоқалар ҳам мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ли Чанчунь Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимига ўтгани мамлакатимиздаги демократлаштириш жараёнида муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Томонлар парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

6 ИЮНЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Б. Ёқубов «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Қонунчилик палатаси барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган муҳокамадан кейин қонун лойиҳасининг концепцияси маъқулланди ва у биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Микромолиялаш тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги биринчи ўқишда депутатлар муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаларини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш.Абдуллаева тақдим этди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари алоҳида аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар. Депутатлар ҳужжатларни муҳокама қилиш чоғида тушган таклифлар ва билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

ЎзА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар





Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси ва Фарҳод кўчаси чорраҳасида яна бир замонавий кўприк бунёд этилмоқда.

СУРАТЛАРДА: бунёдкорлик ишлари қизғин.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ХХР РАИСИ ХУ ЦЗИНЬТАО:

«ШҲТни ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ҲАМКОРЛИК БАЙРОҒИНИ КЎТАРИБ БОРУВЧИ ТАШКИЛОТГА АЙЛАНТИРАЙЛИК»

15 ИЮНЬ КУНИ ШАНХАЙДА ЎТКАЗИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ АРАФАСИДА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ ХУ ЦЗИНЬТАО ПЕКИНДА ШҲТ ИШТИРОКЧИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЕТАКЧИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЖУРНАЛИСТЛАРИ БИЛАН СУҲБАТДА БЎЛДИ.



— Жорий йилда биз ШҲТнинг беш йиллиги ва ундан илгари тузилган «Шанхай бешлиги» механизми таъсис этилишининг ўн йиллигини нишонлаймиз, — деди ХХР раиси. Шу боис Шанхайдаги бўлажак саммит алоҳида аҳамият касб этади. Учрашув давомида ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари ШҲТни ривожлантириш режалари юзасидан келишиб оладилар, сиёсат, иқтисодиёт, гуманитар ва хавфсизлик соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни илгари суриш бўйича ўз қарашлари билан ўртоқлашадилар. Биз муҳим ҳужжатларга имзо чекиб, уларни эълон қиламиз. Саммитга кузатувчи давлатлар, ШҲТ билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилган. Айни пайтда бўлажак учрашувга тайёргарликлар шитоб билан кетмоқда. Ишончимиз комилки, ташкилотимизга аъзо барча давлатларнинг муштарак саъй-ҳаракатлари билан Шанхай саммити муваффақиятли ўтади.

ШҲТнинг беш йил ичида босиб ўтган йўлига баҳо берар экан, Ху Цзиньтао ўтган аср охирида ва янги юз йиллик бошида халқаро вазиятда чуқур ўзгаришлар бўлиб ўтганини қайд этди. Евроосиё қитъасидаги геосиёсий вазият ҳам жиддий ўзгаришларга дуч келди. Минтақа мамлакатлари олдида имкониятлар билан бирга хавф-хатарлар ҳам турибди. Вужудга келган вазиятдан келиб чиқиб, олти чегарадош давлат – Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни муштарак саъй-ҳаракатлар билан мустаҳкамлаш, минтақада барқарорликни таъминлаш ва ҳамжиҳатликда ривожланишга кўмак беришга жазм этдилар. Улар ШҲТни ташкил этаётганларида айнан шу фикрларга асосланганлар.

Беш йил давомида ШҲТ муштарак саъй-ҳаракатлар туфайли ўз тараққиётида анча олдинга силжиди. Даставвал, ҳамкорлигимизга оид ўнлаб ҳужжатлар қабул қилинди, ташкилотнинг ҳуқуқий асоси яратилди ва такомиллаштирилди, ҳамжиҳатликнинг ўта созланган механизми яратилди. Иккинчидан, хавфсизлик соҳасида самарали ҳамкорлик амалга оширилмоқда, бу эса бутун минтақада барқарорликни таъминлаш учун ўта муҳимдир. Учинчидан, ўзаро манфаат ва фойда асосида савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда, баъзи йирик лойиҳалар юзасидан келишиб олинган ва улар ишга туширилган, бу эса ташкилотга аъзо давлатларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантирган ва рағбатлантирмоқда. Тўртинчидан, гуманитар соҳада алмашувлар доимий равишда кенгаймоқда. Ва ниҳоят, ташкилотнинг халқаро майдондаги фаолияти жадаллашди, ташқи алоқалар кенгаймоқда, унинг нуфузи доимий равишда ўсиб бормоқда.

ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида мафкуравий, маданий анъаналар ва иқтисодий ривожланишларида муайян фарқлар бўлса-да, ташкилот тузилганига атиги беш йил ўтганига қарамай, у шитоб билан куч олиб, сезиларли муваффақиятларни қўлга киритди. Бунинг асосий сабаби шундаки, ташкилотга аъзо давлатлар «Шанхай руҳи»га изчиллик билан таянишмоқда, унинг асосини эса ўзаро ишонч ва манфаат, тенг ҳуқуқли маслаҳатлашувлар, кўп қиррали маданиятга ҳурмат билан қараш, биргаликда ривожланишга бўлган интилиш ташкил этади. Уйғун ҳамнафаслик ва умумий ривожланишнинг мустаҳкам гарови ана шундадир.

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Шу кунларда Финляндия Республикаси ишбилармонлари делегацияси мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Кеча Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтган ўзбек-фин бизнес форумида хорижлик тадбиркорларнинг ташрифидан кўзланган асосий мақсад айнан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа кўплаб соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилганлиги таъкидланди.

● Андижонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлик корпуси ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

● Термиз шаҳрида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши Сурхондарё вилояти ҳудудий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Қашқадарё вилояти ҳокимлигида II республика аёллар спартакиадасини ўтказувчи ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларнинг раҳбарлари, ҳомий ташкилотлар, корхоналар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Қонун ҳужжатларининг сифати ва самарадорлигига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётганлиги амалдаги қонунларни қайта кўриб чиқиш, замон талабига жавоб бермайдиганларини бекор қилиш ва янгиларини яратиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлашни тақозо этмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан «Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» китоби тайёрланиб, ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

● Хоразмдаги энг йирик — саккиз қаватли «Жайхун» меҳмонхонаси ҳисоб рақамига Буюк британиялик тадбиркорларнинг дастлабки бадали бўлмиш 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ келиб тушди. Ҳозирда меҳмонхонани замонавий таъмирлаш ва жиҳозлаш учун халқаро танлов эълон қилинган бўлиб, «Жайхун» яқин келажакда тўрт юлдузли халқаро тоифадаги меҳмонхонага айланади.

● Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида анъанавий «Соғломжон — полвонжон» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши келгуси ойдан ташкилотга аъзо давлатлар томонидан Бош котибликка тавсия қилинган номзодлар рўйхатини кўриб чиқишга киришади. Бу ҳақда Хавфсизлик Кенгаши раиси Эллен Маргрет Лои маълум қилди. Айни чоғда Бош котиб лавозимига кўрсатилаётган уч нафар номзоднинг номи маълум.

● Сербия раҳбарияти Черногория билан иттифоқчилиги ўз ниҳоясига етганини расман эълон қилди. Чунончи, куни кеча Сербия парламенти махсус йиғилишида давлат мустақиллиги эълон қилинди. Парламент аъзоларининг баёнотида айтилишича, Сербия аввал мавжуд бўлган Сербия ва Черногория федерациясининг юридик вориси ҳисобланади.

● Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича вакили Хавьер Солана Теҳронга ташриф буюрди. У Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинажотга ядро дастури масаласи бўйича АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Россия ва Хитой вакиллари томонидан ишлаб чиқилган таклифлар тўпламини олиб келди. Дастлабки маълумотларга кўра, «олтилик» Эронга уранни бойитиш дастуридан воз кечиш эвазига катта миқдорда иқтисодий кўмак таклиф қилган.

● Украинанинг Феодосия портига НАТО ҳарбий кемаларида келтирилган юклардан бир нечта контейнер ноқонуний равишда очилган ва уларнинг ичидаги нарсалар ўғирлаб кетилган. Украина парламенти депутатларининг фикрича, мазкур контейнерларда контрабанда юки бўлганлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

● Хитой шарқидаги Анҳой вилоятида ҳалокатга учраган ҳарбий самолёт бортидаги 40 кишининг барчаси ҳаётдан кўз юмган. Айни дамда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда. Бу борада Хитой раҳбари Ху Цзинтао томонидан воқеа жойига жўнатилган махсус тергов гуруҳи иш олиб боряпти.

● Ёқутистонда тинимсиз ёмғирлар ёғиши ва ҳавонинг исиши сабабли сув тошқинларининг рўй бериши кутилмоқда. Чунончи кеча Лена ва Витим дарёларининг сатҳи айрим жойларда 0,5 метргача кўтарилди. Витим дарёси атрофида жойлашган шу номдаги посёлкада 173 та уйни сув босди.

Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 2-кутубхонасида китобхонлар иштирокида «Бебаҳо хазина» мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ЎТГАН** куни Собир Раҳимов туманидаги Исмоил Шоший маҳалласида фуқаролар йиғини вакиллари, фаоллар иштирокида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Яккасарой туман ҳокимлигида туман фаоллари иштирокида уюштирилган тадбирда ободонлаштириш ишларини жонлантириш, коммунал соҳадаги ислоҳотлар жараёнини янада жадаллаштириш хусусида сўз борди.

● **ЎТГАН** куни 259-мактабда «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан туманнинг иқтидорли ёшлари иштирокида футбол, баскетбол, арқон тортиш бўйича мусобақалар уюштирилди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Бўстон» маҳалла гузарига йиғилган маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари, фаоллар маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларини сайлашди.

● **КЕЧА** Чилонзор туман ҳокимлигида туманнинг фаол аёллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида уюштирилган тадбирда аёлларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни муҳокама қилинди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2006 йил 9 июнь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 8 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ХХР раиси Ху Цзиньтао:

«ШҲТни тинчлик, тараққиёт ва ҳамкорлик байроғини кўтариб борувчи ташкилотга айлантирайлик»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шанхай саммити бирдамлик ва амалий ҳамкорлик белгиси остида ўтади. ШҲТнинг беш йил мобайнидаги фаолияти якунлари синчковлик билан кўриб чиқилади, айни пайтдаги халқаро ва минтақавий вазият атрофлича таҳлил қилинади, ташкилотнинг бундан кейинги тараққиёти йўналишлари ўрганилади, ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан аниқ режа ва тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу минтақани тинч, уйғун ва гуллаб-яшнаган ўлкага айлантириш учун яхши хизмат қилади.

Умумий саъй-ҳаракатлар билан минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш – ШҲТ фаолияти ҳозирги босқичининг марказий вазифаларидан бири бўлган ва шундай бўлиб қолади, дея таъкидлади ХХР раҳбари. Айнан ШҲТ ташкил топган куни ушбу ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари Терроризм, айирмачилик ва экстремизм билан кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясини имзолашгани, ундан кейин эса Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тизимининг таъсис этилгани тасодифий ҳол эмас. Халқаро ташкилотлардан биринчи бўлиб ШҲТ терроризм билан курашиш юзасидан ўз овозини баланд қилди ва аксилтеррор саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришда муҳим рол ўйнади. Сўнгги йилларда ШҲТ доирасида учта қўшма аксилтеррор ҳарбий машқлар ўтказилди, ахборот алмашиш ва ҳуқуқий кўмак кўрсатиш юзасидан самарали ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Келгуси йили Россияда ШҲТ доирасида қўшма аксилтеррор манёврлар ўтказилади. Буларнинг барчаси ва бошқа тадбирлар нафақат ташкилотнинг биргаликдаги аксилтеррор имкониятларини кўпайтиришга, балки минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди ва кўрсатмоқда.

ШҲТ очиқлик ва қўшилмаслик тамойилига содиқ қолади: ташқи алоқаларда у янги хавфсизлик концепцияси, ички муносабатларда эса – «шанхай руҳига» таянади. У аввалбошиданоқ ёпиқ бўлмаган ва учинчи давлатларга қарши қаратилмаган. Ўтган беш йил мобайнида ШҲТ Мўғулистон, Ҳиндистон, Покистон ва Эронни кузатувчи сифатида қабул қилди, БМТ, АСЕАН, МДҲ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан расмий алоқалар ўрнатди. Яна кўпгина мамлакатлар у билан алоқа ва муносабатлар ўрнатиш истагини билдирмоқда.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ШҲТ ўзида минтақа ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро муносабатларни демократлаштиришни илгари суриш ва уйғун дунёни шакллантиришга кўмаклашувчи муҳим кучни намоён этмоқда. Ташкилот бундан кейин ҳам конструктив мавқени намоён этади, унинг барча аъзолари умумий фикрларини мужассамлаштиради, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш вазифаларини ҳал этиш юзасидан бошқа мамлакатлар билан биргаликда иш олиб боради, бу ерда жойлашган барча давлатларнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнашини рағбатлантиради.

Ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ҳолда мамлакатларимиз ШҲТни янада жипслашган, амалий ва самарадор ташкилотга айлантириши мумкин. Ўз саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирган ҳолда биз ШҲТни тинчлик, тараққиёт ва ҳамкорлик байроғини кўтариб бораётган ташкилотга айлантиришимиз мумкин. Хитой томони бу ишга ўз ҳиссасини қўшишга бундан кейин ҳам тайёр, деди ХХР раиси.

Ху Цзиньтао ташкилот аъзолари ШҲТ доирасида савдо- иқтисодий ҳамкорликка катта эътибор қаратаётганини таъкидлади. ШҲТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиги дастури ҳамда уни рўёбга чиқариш юзасидан иш режаси имзоланди, 127та қўшма лойиҳалар белгилаб олинди, андозалар ва мувофиқликни баҳолаш тартиботлари, божхона, электрон савдо, сармояларни рағбатлантириш, транзит салоҳиятини ривожлантириш, энергетика, телекоммуникациялар йўналиши бўйича еттита махсус ишчи гуруҳлари тузилди, улар ўз навбатида тегишли соҳалардаги ҳамкорликни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришга масъулдирлар. Ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижаларга эришилди.

ШҲТнинг 2004 йилдаги Тошкент саммитида Хитой ҳукумати номидан ташкилот аъзоларига 900 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли экспорт кредити ажратилиши эълон қилинган эди. Кейинчалик, 2005 йилдаги Остона саммитида Хитой ҳукумати номидан Хитой томони кредитни ҳаётга татбиқ этишнинг янада имтиёзли шарт-шароитларини жорий этишга тайёр экани баён қилинган эди. Ҳозирги пайтга келиб ушбу кредит асосан ҳаётга татбиқ этилди, деб айтиш мумкин.

Умуман олганда шуни қайд этиш мумкинки, ШҲТга аъзо давлатлар иқтисодиёти ўзининг катта ўзаро тўлдирувчанлиги билан ажралиб туради, ҳамкорликнинг салмоқли асоси мавжуд, шу муносабат билан ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик улкан салоҳиятга ва кенг истиқболларга эгадир. Биз муштарак саъй-ҳаракатлар билан барча аъзо давлатлар халқларининг фаровонлиги йўлида аниқ натижаларни қўлга киритишимиз муқаррар, деди Хитой раҳбари.

Ўтган йили Хитой ва Ўзбекистон ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Ушбу ҳужжат бизнинг ўзаро муносабатларимизнинг узоқ муддатли ва барқарор ривожланишида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ШҲТга аъзо давлатларнинг самимий икки томонлама муносабатлари минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, биргаликдаги тараққиётга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади. Адолат юзасидан шуни қайд этиш жоизки, икки томонлама алоқаларни кучайтиришга ташкилотнинг истисносиз барча аъзо давлатлари жиддий қизиқиш билдиришмоқда. Мана шунинг учун ҳам мен Шанхай саммити мобайнида ўз ҳамкасбларим билан учрашишни, ҳам икки томонлама муносабатлар, ҳам халқаро ва минтақавий сиёсатнинг ўзаро қизиқтирадиган ўта муҳим масалалари юзасидан батафсил фикр алмашишни илиқ ҳис билан кутмоқдаман. Биз барча томонлар билан биргаликда икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтариш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини ҳам янги марраларга олиб чиқиш учун саъй-ҳаракатларимизни ишга солишга тайёрмиз, — деб таъкидлади ХХР раиси Ху Цзиньтао.

«Жаҳон» АА

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙЎЛИ

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА АСОСИЙ ОМИЛ

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА КЕНГ КЎЛАМДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ.

Масалан, 2005-2006 йилларда давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига 2246 та объект киритилди. Янги хусусийлаштириш дастурида давлат мулки объектлари 3 гуруҳга бўлинган рўйхатдан жой олди.

1-гуруҳга: 1385 та объект — (хусусийлаштиришнинг аввалги босқичида ташкил этилган ва устав жамғармаларида давлат акциялари биржа савдоларида хусусий мулкка тўлиқ сотилмаган акционерлик жамиятлари, шунингдек, масъулияти чекланган жамиятлар, ижтимоий инфратузилма объектлари ва хусусий мулкка тўлиқ сотилаётган, тугалланмаган қурилиш объектлари) киритилган.

2-гуруҳга: 115 та объект (ночор молиявий ҳолатдаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ноишлаб чиқариш объектлари).

3-гуруҳга: 746 та объект (стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга акционерлик жамиятлари: йирик электр станциялари, кимё корхоналари, пахта тозалаш заводлари) киритилган. Ушбу хўжалик жамиятларининг аксариятида давлат пакети акциялари 51,0 фоиз миқдордадир.

2003 йилда акционерлик жамиятидан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилган «Сергели қурилиш материаллари ва конструкциялари заводи»нинг бугунги иш фаолияти кузатилганда хусусийлаштиришнинг афзаллиги эришилган иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидан кўриш мумкин.

Корхонада у масъулияти чекланган жамиятга айлантирилган кунлардан бошлабоқ барча иш жараёнлари тўғри ташкил этилди. Таъсисчилар таклифи билан банкдан 100 миллион сўм кредит олинди. Унинг ҳисобидан 6 ой мобайнида бу ерда тош майдалайдиган цех ишга туширилди ва 12 киши янги иш ўрни билан таъминланди. Маълум фурсатдан сўнг, яна бир цех — уй тўсинлари ишлаб чиқариш цехи вужудга келди ва яна олти киши иш билан таъминланди. Шундан сўнг мулк эгаси ўз хоҳиш-истагига кўра, иқтисодий ресурсларга, ишлаб чиқарилган маҳсулотга эгалик қилиш, ўз хоҳишига кўра иқтисодий ресурсларни сотиб олиш ва улар асосида товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хом ашё биржалари орқали сотиш эркинликларига эга эканлигини ҳис қила бошлади. Ҳозирги кунда банкдан олинган кредитнинг 80 фоизи қайтарилди. Ишчиларнинг ҳам, мулкдорнинг ҳам манфаатдорлиги ортди. Ҳадемай корхонада кунига 15-20 минг донагача пишган ғишт тайёрлаш цехи фойдаланишга топширилиши арафасида турибди.

Буларнинг ҳаммаси мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштиришга кенг йўл берилаётганлиги ва давлатимиз хусусий тармоқни ривожлантириш орқали, мамлакатимиз равнақини белгилаб бераётганидан ёркин далолатдир.

Эркин НАБИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тингловчиси

Маҳалланг—ота-онанг

НУРЛИ КОШОНА ҚАД РОСТЛАДИ

ВАТАН ИЧРА КИЧИК ВАТАН БЎЛМИШ МАҲАЛЛАЛАР МАВҚЕИ БУГУН КУНДАН-КУНГА ОРТИБ, ЭЛ ОРАСИДАГИ НУФУЗИ ҲАМ ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА. АЛБАТТА, БУ ҲУКУМАТИМИЗ ВА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН МАҲАЛЛАЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН КАТТА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИДИР. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ТИКЛАНИШИ, УРФ-ОДАТ, РАСМ-РУСУМЛАРИМИЗ, ЯХШИЛИК ВА САВОБГА ДАХЛДОР АМАЛЛАРИМИЗНИНГ ҚАЙТА БЎЙ КЎРСАТИШИ, ЗАМОНАВИЙ ГУЗАРЛАР, КЎРКАМ ИНШООТЛАРНИНГ ҚАД РОСТЛАШИ ҲАМ БУ ЙЎЛДАГИ ЭЗГУ ИШЛАР САМАРАСИДИР.



Хусусан, Чилонзор туманидаги «Кичик Дўмбиробод» маҳалласида бўлиб ўтган қўш шодиёнага гувоҳ бўлган ҳар бир қатнашчининг қалбидан мана шу ўйлар ўтган бўлса ажаб эмас. Маҳалла аҳли бугун каттаю кичикни чорлаб ўзлари оқсоқол ёнида турганлари, барча масалалар фуқаролар билан келишилган ҳолда амалга оширилгани ҳақида фикр билдирдилар.



—Туманимизда 49 та маҳалла бўлса ҳар бирининг ўзига яраша обрўйи, ютуқ ва камчилиги, бир-бирига ўхшамайдиган томонлари бор, —дейди биз билан суҳбатда Чилонзор туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Маҳамаджон Деҳқонов.—Маҳаллалардаги ҳар бир ҳисобот йиғилишида қатнашсангиз, халқимизнинг адашмаслигига, ёнида турган оқсоқолнинг ким эканлиги, маҳалладошларнинг оғирини енгил қилишга қай даражада ёндошаётганлиги, муаммо ва камчиликлар олдида ўзини йўқотмаслиги, дардига дармон бўла олишга қодирлигини кўриб-билиб ўзига етакчи қилиб сайлаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, тумандаги «Оқтепа», «3-Чарх Камолон», «Бўстон», Ҳамза каби қатор маҳаллаларда сайлов ниҳоятда фаолликда, холис ва ошкора тарзда ўтди.

Энди бугунги тадбирга бевосита тўхталадиган бўлсак, ушбу маҳалла икки йил олдин «Дўмбиробод» маҳалласида аҳолининг кўп ва жуда зич жойлашгани боис иккига ажратилиб, «Кичик Дўмбиробод» номи билан фаолият бошлаган эди. Маҳалла оқсоқоли Комилжон Қаюмов халқ ичига жуда тез «сингиб» кетди, илк қадамни энг муҳим деб билган ишлари, кўпдан буён навбат кутиб турган муаммолар ечимини излашдан бошлади. Бугун атрофга гўзаллик бериб турган ушбу маҳалла гузари ўрни ташландиқ, хароба ер эди. Мана «Кўпдан қуён қочиб қутулмас» деган доно нақл бекорга айтилмаган экан. Кўплашиб, ҳашарлар уюштириб, алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, маҳалла оқсоқолининг елиб-югуриши билан ушбу гўзал кошона қад ростлади...

Оқсоқолнинг ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботидан кейин муҳокамада сўз олганлар кўни-қўшнилар ўртасидаги меҳр-оқибатни тиклаш, атроф-теваракни ободонлаштириш, кўп қаватли уйлар йўлакларига темир эшиклар ўрнатилиб тартибга келтириш, энг муҳими, ўзаро ҳурмат, бир-бирини аяш, ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиб, беминнат ёрдам кўрсатиш каби инсоний хислатлар, савоб юмушлар бошида оқсоқол турганлигини фахр билан айтишди.

— Олтин оловда, инсон маҳаллада тобланади,— дейди Саидахон ая Лутфуллаева. — Ҳар бир хонадоннинг қувончу ташвишига шерик бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Катта-ю кичикка бирдек муомалада бўладиган оқсоқолимизга ишонч билдирсак адашмаймиз.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши якуни хусусида батафсил тўхталиб ўтиришга ҳожат бормикан деб ўйлаб қолдик. Ахир фуқаролар бир овоздан ёқлаб турган жойда оқсоқолнинг қайта сайланмаслиги мумкинми?

Биз ушбу маҳалладан кўнглимизда ажиб бир илиқлик туйган ҳолда қайтдик. Негаки бирдамлик, ҳамкорлик, бир-бирини тушуниб етиш, бу маҳаллада мавжуд, оқсоқол эса турли ёшдаги кишиларни бир оила каби бирлаштириб, хайрли, савобли юмушларга бошлаган. Қани эди ҳар бир маҳалла оқсоқоли ҳам мана шундай ишончу эътиборга сазовор бўлса.

Маҳалладошларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишидан зерикиб эмас, янги-янги режалар, фикрлар билан бир-бирини тўлдириб, ўртоқлашиб, қизғин суҳбатлашиб чиқаётганларини кўрганда эса давлатимиз томонидан катта манзилларни кўзлаб олиб борилаётган ишлар бесамар кетмаётганидан беихтиёр тўлқинланиб қўясиз. Сизга омад тилаймиз, оқсоқол.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: «Кичик Дўмбиробод» маҳалла гузарининг очилиши ва бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ МИРОБОД ТУМАНИДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЗКУР ЯРМАРКА МИРОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ, ТУМАН МЕҲНАТ БИРЖАСИ ВА «КАМОЛОТ» ЁИҲ МИРОБОД ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ.

Ярмаркалар

ЕТАРЛИ МАЪЛУМОТ ОЛИШДИ

«Бўш иш ўринлари ярмаркаси»га туман аҳолиси ҳамда касб-ҳунар коллежларининг талаба битирувчилари таклиф қилинди. Ёшлар ўз йўналишлари бўйича танлаган соҳалари мутахассисларидан, корхона ва ташкилот вакилларидан ўзларини қизиқтирган маълумотларни олиб, бўш иш ўринлари билан танишдилар. Мутахассис вакиллар айнан қайси иш ўринлари бўшлиги, иш фаолияти, корхона ҳақида тўлиқ маълумотлар бердилар. Айтиб ўтиш жоизки, турли ёшдаги аҳолини иш билан банд этиш борасида туман меҳнат биржаси кўплаб йиғилишлар, тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Ярмаркада 37дан ортиқ корхоналар қатнашиб, 900 га яқин бўш ишчи ўринларини тавсия қилдилар.

—Туманимизда 39 та маҳалла мавжуд бўлиб, аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш 1-чорак якунлари бўйича 300га яқин кўрсаткични ташкил этди. Ўқишга юборилганлар эса 70 та ва жамоат ишларига жалб қилинганлар 24 нафардан иборат бўлди. Туманимиздаги ишсизлар, аёллар ва ёшларни доимий равишда ўз касби бўйича корхоналарга жойлаштириб, ёрдам бериб келмоқдамиз. Бундан ташқари Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчини ўтаб ҳарбий хизматдан қайтганлар, жазо муддатини ўтаб келганларни ҳам касбга йўналтириш борасида турли тадбирлар олиб борамиз,—дейди Миробод туман аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Нилуфар Муҳитдинова. — Масалан, аёллар учун тикувчилик, парда тикиш, массаж, сартарошлик, эркаклар учун электрик, дурадгорлик курслари ва ЭҲМ оператори, ҳисобчи, менежерлик курслари мавжуд.

Биз битирувчи талабаларни мутахассислик бўйича келажакда ишлашни истаган корхоналари билан таништирмоқдамиз. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, аёлларни касбга тайёрлаш асосий мақсадимиздир.

Барно САИД қизи

Алоқа

КАТТА ҚУЛАЙЛИК ТУҒДИРМОҚДА

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИНИНГ АХБОРОТ-МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИДАН КУНДА-КУНОРА ФОЙДАЛАНИШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ. «09», «009», «064» ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ ОРҚАЛИ КЎПЧИЛИКНИНГ МУШКУЛИНИ ОСОН ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН БУНДАЙ АХБОРОТ-МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНЛИГИГА ЕТМИШ ЙИЛ ТЎЛДИ.

Бу орада шу жараёндан фойдаланиш учун кўпгина қулайликлар муҳайё этилди. Янги коммутация технологиялари ва мосламалари ўрнатилди. Бу эса маълумотлар бериш ҳажмининг кескин ортишида муҳим омил бўлди.

Аввалги картотекалар ёрдамида маълумотлар бериш эндиликда компьютер қурилмалари орқали тез ва соз амалга оширилмоқда.

Бу ҳол маълумот олувчилар учун ҳам, маълумот берувчилар учун ҳам катта қулайлик туғдирмоқда, мижозлар телефон хизматининг бу туридан мамнун бўлишмоқда.

Барно УМИРОВА

Транспорт

ЯНГИ РУСУМДАГИ АВТОБУСЛАР

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ НЕГИЗИДА «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ ТАШКИЛ ТОПИШИ АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ. КЎРИЛГАН БУ ЙИРИК ТАДБИР ШАҲАР АҲОЛИСИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИБ БЕРДИ.

Янги мақом берилиши билан уюшма бошқаруви қатор вазифаларни белгилаб олди. Корхоналарнинг моддий-техник негизини янги транспорт воситалари ҳисобига мустаҳкамлашга киришилди.

Эндиликда «ЛАЗ-695 НГ» русумли автобусларидан унумли фойдаланилади. Айни вақтда шу яқин орада улар сони яна 200 тага ортади.

Шунингдек, «Спектр» русумли трамвай вагонларидан 60 таси четдан харид қилинади.

ТЕХНИКАНИНГ ЯҚИН ДЎСТЛАРИ

«ТРАНСТАЪМИНОТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА. НАТИЖАДА ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ИМКОНИ ТУҒИЛМОҚДА.

Троллейбусларда ишлатиладиган графит мосламани ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Авваллари махсус буюртма асосида тайёрлаб берилаётган бундай қуйилма эндиликда шу корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса кўплаб маблағни тежаб қолиш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, троллейбусларни таъмирлашда ишлатиладиган эҳтиёт қисмлар намуналари ҳам рационализаторлик таклифи асосида юзага келди.

Аҳмад АСҚАРОВ

ТАДБИРКОР

Қарор ва ижро

МУВАФФАҚИЯТЛАРГА УНДАЙДИ

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТГАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ИШБИЛАРМОНЛАРГА ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ ТАДБИРКОРЛАР САФИ ОРТИШИДА, ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ЭЛ ФАРОВОНЛИГИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПИШИ, ШУБҲАСИЗ. ЧУНКИ БУНДАЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШЛАР ТАДБИРКОРЛАРНИ РУҲЛАНТИРИБ, АЛБАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРГА УНДАЙДИ.

Маълумки, ўтган йилда Президентимизнинг тадбиркорликка оид қатор Фармон ва Қарорлари эълон қилиндики, ушбу ҳужжатлар кичик ва хусусий бизнес ривожида муҳим аҳамият касб этаётгани, шубҳасиз.

—Шу ўринда Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз,—дейди назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани комиссияси негизидаги жамоатчилик Кенгаши раиси Шавкат Мирзаев.—Ана шу қарор ижросини таъминлашда жамоатчилик Кенгашимиз туман ҳудудий комиссияси белгилаган чора-тадбирлар режаси асосида иш олиб бормоқда. Режадан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширишларда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг тўлдирилишини назорат қилиб бориш, ўтказилган мониторингларда аниқланган ҳолатлар, тадбиркорлик субъектларининг шикоят ва таклифларини ҳудудий комиссия, назорат органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга етказиб бериш, аҳоли зич жойлашган ҳамда уюшган савдо майдонларида «Ишонч қути»лари ўрнатиш каби вазифаларни адо этар эканмиз, асосий мақсад тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эркин фаолият юритишлари учун шароит яратишга қаратилган.

Туман жамоатчилик Кенгаши жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш, уларга астойдил кўмаклашиш мақсадида «Чорсу» бозори, «Ўзкўргазмасавдо» мажмуаси, «Навоий» савдо расталари, туман ҳокимлиги биноси ва бошқа жойларга 10 та «Ишонч қути»ларини ўрнатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, туман бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида 34 та микрофирма ва кичик корхонани текширишлар режа-жадвалидан қисқартириш учун назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашига таклифлар киритилди ва уларни текширувлар режа-жадвалидан чиқаришга муваффақ бўлинди.

Жамоатчилик Кенгаши томонидан тадбиркорлик субъектларидан тушган аризаларни ўрганиб, уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатилмоқда. Кенгаш назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлардаги қоидабузарлик ҳолатлари юзасидан ҳам чоралар кўрмоқда. Ўрганиш натижасида туман ДСИ ходимлари томонидан «SPORT-SAVDO» масъулияти чекланган жамиятида (ДСИ ходимлари О.Қамбаров ва Ф. Зайнуддинов) текширувлар ўтказилганлиги ва улар томонидан «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» нотўғри тўлдирилганлиги аниқланди. Шунингдек, «NAFISA» хусусий фирмасида ҳам текширув давомида туман ДСИ ходимлари З.Йўлдошев ва Х.Ишонходжаевлар томонидан китобни тўлдиришда камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатилди. Шу боис ҳам туман ДСИ раҳбарияти томонидан юқоридаги 4 нафар ходим текширувлар давомида «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдириш талабларига риоя этмаганлиги боис эгаллаб турган лавозимларидан озод этилди.

Яна шуни таъкидлаш ўринлики, туманда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, меъёрий ҳужжатлар билан таништириш, Президент ва ҳукумат Фармон ва Қарорлари мазмун-моҳиятини англатиш мақсадида соҳа ходимлари иштирокида ҳар ойда 3 марта семинар-йиғилишлар ўтказилиб, уларнинг самараси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожида кўринмоқда.

— Жамоатчилик Кенгашимиз ходимлари ҳар доим тадбиркорлар учун кўмакка шай, — дейди Шавкат Мирзаев. —Шу боис ҳам тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида «Ишонч телефони» ташкил этганмиз. Улар ҳеч иккиланмасдан 135-38-13; 142-01-09 рақамли телефонларга қўнғироқ қилишлари мумкин. Биргаликдаги саъй-ҳаракатимиз эса, албатта, яхши натижалар беришига, тадбиркорларнинг ҳақиқатан ҳам катта куч эканлигини исботлашига аминмиз.

(Ўз мухбиримиз)

Маънавият

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯДА МИЛЛИЙ МУСИҚА

МАМЛАКАТИМИЗДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАНИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ТАЪЛИМ АНДОЗАЛАРИ, ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУ БОРАДА ОРТТИРИЛГАН БОЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ҚАТОР ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ЮЗАГА КЕЛДИ.

«Бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотлари, тажриба-синов жараёни» бўйича яратилган дарслик ва қўлланмалар ҳам энг яхши ўқув адабиётлари деб баҳоланди.

Педагогика фанлари доктори, профессор Талъат Усмонхўжаев бошчилигида босмага тайёрланган ўқув дастури ҳам дарс берувчи ўқитувчиларга манзур бўлмоқда.

Тошкентда уюштирилган илмий-амалий семинарда «Жисмоний тарбияда миллий мусиқа» мавзуи атрофлича кўриб чиқилди.

НАШРИЁТ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН

«УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!» ДЕБ НОМЛАНГАН МАЪНАВИЯТ КУНЛАРИ ЖОЙЛАРДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА. МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТГА БАҒИШЛАНИБ ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН БУНДАЙ ТАДБИР «ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ДАСТУР АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚДИР.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан уюштирилаётган бундай хайрли иш китобни ва китобхонликни тарғиб этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни вақтда ана шу жараён давомида китоб нашр этиш, уни ўз харидорларига етказиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар ҳам юзага келмоқда.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ФАЛСАФА ФАНИДАН ҚАТОР ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ЯРАТИЛДИ. БУНДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАР ЖАМИЯТИНИНГ ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИГИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА.

«Фаннинг фалсафий масалалари» деб номланган ўқув қўлланмаси ҳам бундай алоқа натижасида чоп этилди. Мазкур нашр Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан магистратуранинг давлат таълими андозасига киритилиши муносабати билан босмага ҳозирланди.

Ўқув қўлланмада фанда янги ғоялар, билимларнинг юзага келишида фалсафанинг тутган ўрни атрофлича ёритилиб берилди.

Озод АНВАРОВ

Саънат

АЛЬБОМДА РАССОМ ИЖОДИ

ЯНА БИР РАНГЛИ СУРАТЛИ АЛЬБОМ ТАЙЁРЛАНДИ. БУ ЭЪТИБОРЛИ НАШР ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ РЎЗИ ЧОРИЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ.

Мўйқалам устаси Р.Чориев Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги сифатида ҳам баракали ижод қилди. У Италия санъат академиясига фахрий аъзо этиб ҳам сайланган эди.

Рассомнинг яқин ҳамкасблари саъй-ҳаракати билан босмага тайёрланган бу альбом «Ассалом, осмон!» деган номда яқин орада мухлисларга тақдим этилади. Унда кўзга кўринган сураткашларнинг рассом ижодини мангу лаҳзаларга айлантирган суратлари ҳам ўз аксини топади.

КОЛЛЕЖДА ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЭСТРАДА-ЦИРК КОЛЛЕЖИДА ТАЪЛИМИЙ ЖАРАЁНЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА ТУРЛИ ТОМОША КЕЧАЛАРИ ҲАМ ЎТКАЗИЛМОҚДА. БУ САФАРГИ ДАСТУР ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЦИРК САНЪАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС НАМОЙИШИГА АЙЛАНДИ.

Гап шундаки, республикамизда ўзбек циркининг асосчиларидан бири ҳисобланган Карим Зарипов таваллудининг 115 йиллигини нишонлаш тараддуди кўрилмоқда. Шу сана устоз чавандоз билан ёнма-ён туриб, ўз ижрочилик маҳоратини намоён этган Муборак ая Зарипова таваллудининг 100 йиллиги билан биргаликда нишоналанади.

Коллеж жамоаси Тошкент Давлат цирки билан ҳамкорликда «Авлодлар эстафетаси» деган янги томошани тайёрлашда қатнашади.

УСТОЗНИНГ МАҲОРАТ МАКТАБИ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ-АМАЛИЙ САНЪАТИНИ ХАЛҚАРО ДОИРАДА ОММАЛАШТИРИБ КЕЛАЁТГАН ҚЎЛИ ГУЛ УСТАЛАР ҚАТОРИДА МОҲИР ГАНЧКОР АСРОР МУХТОРОВНИНГ НОМИ ҲАМ ФАХР БИЛАН ТИЛГА ОЛИНАДИ. ГАНЧ ЎЙМАКОРЛИГИ САНЪАТИ БЎЙИЧА САМАРАЛИ ИЖОД ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН МАЗКУР УСТОЗ ШУ ЙЎНАЛИШДА ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБА МАКТАБИНИ ЯРАТДИ.

Унинг чет мамлакатларга қилган ижодий сафарлари чоғида ишлаган ганчкорлик монументал безаклари юқори баҳоланди. Германиянинг Лейпциг шаҳрида бунёд этилган ўзбек чойхонаси деворларининг сайқал топишида ҳам у ўз маҳоратини ишга солди.

Устоз ганчкорнинг серқирра ишлари бўйича янги китоб босмага тайёрланди. Ганч ўймакорлиги санъати билан ўқувчи-ёшларни яқиндан ошно қилиш мақсадида эса дарслик яратишга ҳам киришилди. Тошкент Давлат педагогика университети профессори Саидахбор Бўлатов билан ҳамкорликда тузилган бу китоб олий ўқув юртлари талабалари учун яхши қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Акбар АЛИЕВ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ЮРТИМИЗДА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛГАН. АНА ШУ ЙЎЛНИНГ ЁРҚИН ИМКОНИЯТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ҲАМ ЎЗ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ЯРАТИШМОҚДА, ҲАМ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РАВНАҚИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШМОҚДА.

Кичик бизнес

ЗАВҚИ МЕҲНАТ ВА ИЗЛАНИШДА



Албатта, тадбиркорлик осон иш эмас, у машаққатли меҳнат, тинимсиз изланиш самараси. Негаки харидор ва мижознинг талаби кучли, диди баланд бўлган бугунги бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош хизмат ва юқори сифатли махсулотгина ўз ўрнини топади.

«Камхар» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам ички бозорда ўз ўрнини топишга, харидорлари сафини кенгайтириб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга интилаётган жамоалар сирасига киради. Шу боис ҳам улар тадбиркор ва ҳунармандлар маҳоратининг намойиши бўлган «Ташаббус—2006» кўрик-танловининг Шайхонтоҳур туман босқичида фахрли учинчи ўрин совриндори бўлишди.

—Тадбиркорлик йўлини танладингизми—ўзингиз изланинг, имкон топинг, чинакамига интилиб меҳнат қилинг,—дейди корхона раҳбари, тадбиркор Ярослав Фролов.—Аммо тўсиқлар бўлаяпти, деб четдан ёрдам кутиб ўтирманг.Тўсиқларни меҳнатингиз, билимингиз билан енгсангиз, тадбиркорликнинг завқини ана шунда биласиз. Шу боис ҳам мен тадбиркорлик ҳақидаги ҳар бир ҳужжатни синчиклаб ўрганаман. Ахир уни билмасангиз, фаолиятингизга зарур бўлганда қандай қўллайсиз, керакли пайтда ўзингизни қай тариқа ҳимоя қиласиз? Тадбиркор учун етишмайдиган нарса ҳам вақт, муваффақиятни таъминлайдиган ҳам вақт, яъни иложи борича ундан унумли фойдаланишдир. Шунингдек, эртани кўра билиш, янгиликка интилиш замонавий техника ва технологиялар унумидан фойдаланиш, махсулот турларини бозорга мослаб ўзлаштириб боришни истиқбол омиллари деб биламан.



Корхонада қандай махсулот тайёрланиши билан қизиқаётган бўлсангиз керак. 5 йилдан буён фаолият кўрсатаётган ушбу корхона тадбиркорларининг асосий мақсади ободлик, кўркамлик ва шинамлик бўлиб, унинг цехларида қурилиш ашёлари: эшик ва дераза ромлари, бунёдкорлик учун керакли бўлган безак ашёлари тайёрланиб, бунинг учун энг чидамли ва сифатли ёғоч ашёсидан фойдаланилади.

Корхона илк фаолияти даврида 14 та ишчи-хизматчи билан иш бошлаган бўлса, бугунга келиб яна 11 та қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Шунингдек, буюртмалар кўпайди, махсулот турлари бир неча баробарга ортди. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси корхонанинг асосий буюртмачилари сирасига кириб, бундан ташқари қурилиш ташкилотлари билан ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Шунинг баробарида аҳолига ҳам дурадгорлик бўйича хизматлар кўрсатилади.

Албатта, бугунги бунёд этилаётган турли иншоотлар, у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, кўркини, ички ва ташқи чиройини таъминлашди ёғочдан тайёрланган қурилиш ашёларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шуни назарда тутган корхона тадбиркорлари иш сифатига эътиборни кучайтирган ҳолда суръатни асло бўшаштирмаяптилар. Янги-янги махсулот турлари, уларнинг безаклари устида изланишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими тайёрланаётган рақобатбардош махсулотлар ҳар қандай харидор талаби ва эҳтиёжини қондиради. Галдаги режа эса корхонани янада кенгайтириб ёш дурадгорлар сафини ошириш, ички бозорда муҳим ўрин топишдир.

Шарофат БАҲРОМОВА
СУРАТЛАРДА: тадбиркорлар иш фаолиятидан лавҳалар ва тайёр махсулотлар.
Наталья Семёнова олган суратлар

Бўш вақтингизда

АСЛ БОЙЛИК НИМАДА?

ТАДБИРКОР ҲАМ ЎЗИ БОЙ БЎЛАДИ, ҲАМ ЮРТНИ БОЙ ҚИЛАДИ. АЛБАТТА, БУНИНГ УЧУН МАБЛАҒ, ЯЪНИ ПУЛ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. ПУЛИНГИЗ КЎП БЎЛГАНИ ЯХШИ, ЛЕКИН ГАП ФАҚАТ АНА ШУ ПУЛУ УНИНГ ОРҚАСИДАН КЕЛАДИГАН МОЛ-ДУНЁДАМИ? АСЛ БОЙЛИКНИНГ ЎЗИ НИМА? ПУЛНИНГ КЎП БЎЛИШИМИ ЁКИ... ҚУЙИДАГИ ТЕСТ САВОЛЛАРИГА ТЎҒРИ ЖАВОБИНГИЗДАН БУ БОРАДА ЎЗИНГИЗНИНГ ҚАНДАЙЛИГИНГИЗНИ, ҲАЁТИНГИЗДА ПУЛНИНГ НЕЧОҒЛИК АҲАМИЯТГА ЭГАЛИГИНИ АНИҚ БИЛИБ ОЛАСИЗ. ҚАНИ БИР АНИҚЛАНГЧИ, СИЗ УЧУН ПУЛ МУҲИММИ ЁКИ ҲАЁТ?!

1.Ким билан дўст тутинган бўлардингиз: машинаси бор пулдор биланми ёки ақл-идрокли, мураккаб вазиятдан чиқиб кета оладиган, бироқ чўнтагида майда-чуйда нарсаларгагина етарли пули бор одам биланми?

А) Ақлли бўлса, пулининг аҳамияти йўқ (1);

Б) дўстинг бўлса, бой-бадавлат бўлсинда (5);

В) бойликка қараб баҳо бермайман (3).

2.Катта харажат талаб қиладиган «хобби»га қизиқасизми?

А) Ҳеч нарсага қизиқмайман (2);

Б) унақа нарсалар пул сарфлашга арзимайди (3);

В) агар қизиқсам, бор пулимни сарфлайман (1).

3.Катта қабул маросими ёки янги корхона тақдимоти ўтказилмоқда. Уларга муносабатингиз?

А) Бунақа нарсалардан толиқаман (0);

Б) кувончимни яшира олмайман (2);

В) бундай воқеалар баъзида мени қизиқтиради холос (1).

4. Бир ойга мўлжаллаган пулингиз бор эди, лекин ҳисоб-китоб қилганингизда...

А) Бир ҳафтада ишлатиб қўйибман (1);

Б) тенг тақсимлаб ишлатганман (4);

В) баъзан пулим бор, баъзан эса йўқ (3).

5. Севги деганда бойликни ёки ташқи гўзал ҳаётни тасаввур этадиган одамларга қандай баҳо берасиз?

А) Уларга ачиниб кетаман (2);

Б) тўғриси, ундайларни жиним суймайди (0);

В) улар ақлли, чунки камбағал ва касалманд бўлгандан кўра бой ва соғлом бўлиш яхши-да (4);

6. Одамлар нега қарз сўрашади?

А) Чунки уларнинг пули етмайди, даромадлари оз (4);

Б) имкониятидан яхшироқ яшагиси келади (2);

В) уларни ҳамиша кутилмаган харажатлар қийнаб қўйса керак (1).

Ана энди ўзингиз тўпланган балларни ҳисобланг, натижасини билиб олинг.

9 БАЛЛГАЧА: Сизни пул муаммоси кўп безовта қилмайди. Сиз учун маънавий қадриятлар муҳимроқдир. Аммо кимдир эҳтиёжингизни таъминлаб турган бўлиши мумкин. Лекин шуни унутмангки, ҳеч ким умрбод сизни пул билан таъминламайди.

10-16 БАЛЛ: Қўлингиз пул кўрдими, орқа-олдингизга қарамай сарфлайсиз. Ҳамёнингиз бўшаб, пулингиз тугаб қолишидан асло қайғурмайсиз. Пулни эртанги кунни ўйламай сарфлашни ёқтирасиз. Аммо пулсизликнинг оқибати сизга аён. Шу боис ҳисоб-китоб билан яшанг.

17 ВА УНДАН ЮҚОРИ БАЛЛ: Серҳашам ҳаётни ёқтирасиз, бой-бадавлат яшаш сиз учун жуда муҳим. Фақатгина ўзингизга моддий ёрдам берадиган одамлар билангина дўст тутинасиз. Шу боис пулни инсоний ҳис-туйғулардан юқори қўйманг. Одамлар билан фақатгина пул, бойлик тўплаш учун муносабат ўрнатган бўлсангиз, бир кун, албатта, ёлғиз қоласиз.

Ҳунари гўзаллар

КАМОЛИДДИННИНГ КАМОЛИ

ОДДИЙ ЁҒОЧНИ ГЎЗАЛ ҲУНАРЛАРИ БИЛАН СЎЗЛАТАДИГАН ҚЎЛИ ГУЛ ИНСОНЛАРИМИЗ БОРКИ, УЛАРНИНГ МЕҲР ЧАШМАЛАРИ БОИС САЙҚАЛ ТОПГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ КЎРИБ БИР ОЛАМ ЗАВҚ ОЛАСИЗ.



Ота-боболаримизнинг азалий ҳунарларидан саналган ёғоч ўймакорлиги бугунги кунда ҳақиқий санъат даражасига кўтарилдики, уни эъзозловчи ҳунармандларимиз сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Албатта, бунинг учун фақатгина ҳаваснинг ўзи кифоя эмас, тарихни билиш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, халқ амалий санъатига меҳр, шунинг баробарида қунт ва чидам керак бўлади.

Камолиддин ҳам болалигидан ҳунарга меҳр қўйди. Балки бунга отаси Абдулазиз ака ўша пайтлари дурадгорлик билан шуғулланганлиги сабаб бўлгандир. У қўлига турли асбобларни олиб иш ўрганарди, ўзича турли нарсаларни ясашга қизиқарди.

Ана шу қизиқиш боис мактабдан бўш пайтларида ҳунар ўрганиш истагида республика Ўқувчилар уйига қатнай бошлади. Уни ёғоч ўймакорлиги ҳунари ўзига ром этди. Шу туфайли у ёғоч ўймакори Эргаш Алиевга шогирд бўлди. Ана шунда ҳунар эгаллаш учун қизиқишнинг ўзигина етарли эмаслигини тушунди, озгина бўлсада меҳнатнинг қадрини билди, сабр-чидамга ўрганди. Мактабни тугатгач эса амалиётни назария билан бойитиш ниятида Чилонзор туманидаги миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида таҳсил олди. Лекин назарияни амалиётда қўллашни асло унутмасди, бу эса муваффақиятларига гаров бўлди. У республика коллежлари ўртасида ҳунармандчилик бўйича ўтказилган танловда 1-ўринни эгаллаб, Тошкент Давлат педагогика университетининг амалий санъат факультетига имтиёзли кириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Интилганга толе ёр, деган ибора эса изланувчан Камолиддин Раҳимовга ҳар қадамда мададкор бўлди. У олий ўқув юртидаги таҳсил давомида факультет декани Ботир Бойматовнинг ёрдамига таяниб, у билан ҳамкорликда бир неча амалий қўлланмалар чиқаришга муваффақ бўлди. Шунингдек, 2000 йилда «Зукко авлод», 2001 йилда «Қўли гул уста» кўрик-танловларида ғолибликни қўлга киритди.

Камолиддин Раҳимов— республикамизда энг яхши тадбиркор ва ҳунармандларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг энг фаол иштирокчиси. У ҳар йили ушбу кўрик-танловда ўзининг янги-янги изланишлари маҳсули бўлган такрорланмас маҳсулотларни намойиш этади. Жумладан, 2004 йилда танловнинг Яккасарой туман босқичида ғолиб бўлиб «Энг яхши ҳунарманд» номини олган. Шаҳар босқичи эса унга «Энг ёш ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолибликни инъом этди.

Жорий йил Камолиддин учун муваффақиятлар билан бошланганлиги қўли гул устани янада руҳлантириб юборди. Негаки «Ташаббус—2006»даги иштироки уни яна бир бор эл-юртга танитди. Кўрик-танловнинг Юнусобод туман ҳамда пойтахт босқичида ғолиб бўлган ёғоч ўймакори республика босқичида фахрли 2-ўринни эгаллаб, Диплом ҳамда совринни қўлга киритди.

Айни кунларда ёғоч ўймакорлиги ҳунари Тошкент мактабини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган Камолиддин Раҳимов пойтахтимизда ўтган йилда фойдаланишга топширилган Болалар ижодиёти марказида шогирдларига ҳунар сирларини эринмай ўргатмоқда.

—Ҳозирда 100 нафар болалар билан ишлаяпмиз, —дейди Камолиддин.—Ёзги таътил даврида эса уларнинг сафи янада ортади. Албатта, йигит кишига етмиш ҳунар оз, деганларидек ёшларнинг амалий санъатимиз йўналишларига қизиқиши қувонарлидир. Ҳар бирини эътиборсиз қолдирмасликка ҳаракат қиламан. Устозларимдан ўрганган тажрибаларимни ишга солиб уларга сабоқ бераман.

Камолиддин яратган ёғоч ўймакорлиги буюмларининг хили 100 дан ортиқ бўлсада, у янги маҳсулотлар, янгича нақшлар устида тинмай изланмоқда. Айни кунларда у 8 қиррали шахмат курсилари устида иш олиб бормоқда. Ўз ҳунари жавоҳирларидан халқимизни баҳраманд этиш, жаҳон аҳлини мафтун қилиш мақсадидаги уста ўймакорнинг келгусидаги ниятлари ҳам бисёр. Камолиддин Раҳимов ёғоч ўймакорлиги йўналиши бўйича мукаммал ўқув қўлланмасини яратиш, ўз шахсий кўргазмасини ташкил этиш, табақа пардозлаш услубини янада такомиллаштириш, миллий услубда бунёд этилаётган иншоотларда маҳсулотлари билан иштирок этишни мақсад қилган. Албатта, ёш ва изланувчан ҳунарманд Камолиддиннинг камоли ўз меҳнати боис кўрк очаверади.

Шарифа ИЛЁСОВА

Шарқ дурдоналари

Ўз=ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

АКА-УКА, ОПА-СИНГИЛ ВА ҚАРИНДОШЛИК ҲАҚИДА

Ота-она, қариндош ва аёлимизга муносабатли ишлардан яна бири ака-ука, опа-сингиллар билан бўладиган самимий муомаладир: ота-она ўз фарзандларининг бир-бирига меҳрибон ва муҳаббатли эканликларини, хурсанд бўлишларини, юраклари шодликка тўлишини, бу ҳолатдан чеҳралари ҳамиша табассум ва мамнунликка тўла эканини тасаввур этиш қанчалик лаззатли?

Ўзаро муносабатда аввал катта акалар ва қариндошлар ўзларидан кичикларини асло ранжитмасликлари, қўлларидан келган барча ёрдамни аямасликлари лозим. Бунга жавобан кичик укалар ва қариндошлар ҳам катталарнинг розилигини топишга интилишлари, уларни асло хафа қилмасликлари ва дилларини оғритмасликлари лозимлигига ҳаракат қилмоқлари керак.

Зеро, ака-ука, опа-сингил ва яқин қариндошларнинг ўзаро ҳамдардликлари ва бир-бировларини ранжитмаслик инсоний фазилатдан биридир.

Нисбатан ёши улуғ қариндош ва туғишганлар кичикларга нисбатан суиистеъмол қиладиган ҳаракатда бўлмасликлари, аксинча, кичик қариндошдан бирон айб ўтиб қолса, камол назокат ва хушмуомалалик билан панду насиҳат этишлари, қўпол ва ёмон сўзларни айтмасликлари биродарлик ҳақидир.

Қиз қариндошлар ва опа-сингиллар эркакларга нисбатан кучсиз, ожиз ва қудратсиз бўлиб, доимо ҳимоя ва кўмакка муҳтож бўладилар. Шунинг учун уларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзиш, кўмак этиб, хотираларини шод қилиш эркак қариндош ва яқинларнинг вазифасидир. Опа-сингиллар эса ўз биродарларининг юзига тик боқиб, беъмани сўзларни айтмасликлари, уларнинг маслаҳатларига амал қилишлари зарур.

МАКТАБ

Мактаб вақти бўлганда сиз, болалар, ота-она ёки бобо-бувиларингизни овора қилмай, ўзингиз ўрнингиздан туринг, уларнинг ҳурматини жойига қўйиб, кўлларини иззат юзасидан ўпинг-да, мактаб сари равона бўлинг. Мактабда эса аъло ўқиш билан фақатгина ота ва оналарингизни хурсанд қилиб қолмай, бошқа одамларни ҳам хушнуд этинг ва раҳматига мушарраф бўлинг.

Болаларга зарур бўлган вазифалардан бири уларнинг ўз дарсларини камол диққат билан тайёрлашлари ва бу билан ўқитувчини хурсанд қилишларидир. Ўқитувчи — буюк зот, унинг ҳурмат ва иззатида ҳам асло нуқсонга йўл қўйилмайди. Ўқитувчи мендан рози ва хушнуд бўлсин, деган ҳар бир ўқувчи аввало берилган дарсларни пухта ўзлаштириши лозим.

Болалар, кеча-кундузи идораларда, дўконларда ва ҳар хил муассасаларда ажойиб ишларни амалга ошираётганлар мактабда аъло ўқиганлардир. Аксинча, ҳар хил қулфатларга қолиб, хор-зор бўлиб юрганлар эса мактабда яхши ўқимаганлар ва ота-онанинг панду насиҳатларига қулоқ солмаганлардир. Сиз, болалар, бундай одамлардан ибрат олманг, вақтингизни фақат ўқиш ва ёзишга сарф этинг.

Ҳақиқий касбу камол топиш фақат илм билан ҳосил бўлади. Демак, сиз илм олишга қаттиқ уринсангиз, шуҳрат ва обрў топасиз, роҳат ва фароғатда яшайсиз.

* * *

Ота-оналаримиз бизларни мактабга мажбурий юборишлари биз учун айни муддаодир. Негаки, ўқимаган ва илм олмаган нодон киши илмли одамларнинг ёки ёмон табиатли кимсаларнинг атрофида юришдан ва хизматини қилишдан бошқа нима ишга ҳам яроқли? Шунинг учун ота-онамиз бизларни кичиклигимиздан мактабга боришга, унда яхши ўқишга ундайдилар. Ота-она воситаси билан илм ва касбу камол орттирган ҳар бир фарзанд, катта бўлгач, ота-онанинг ҳурматини, иззат-икромини жойига қўяди.

Яъни бола уйдан чиққач, энг қисқа ва тўғри йўлдан мактабга бориши, йўлда ўйнаб қолмаслиги, дарс бошланганда синфга кириб келмаслиги керак. Либослари тоза ва озода бўлишига эътибор беришлари, синфдан ичкарига одоб билан кириши ва муаллимига камоли одоб ва эҳтиром билан муомала қилиши, синфда ўтирганда ёнидаги дўстларини гапга солмаслиги, диққатини бўлмаслиги лозим. Дарслар тугамагунча диққатини ва зеҳнини бошқа ишларга қаратмаслиги керак.

Синфда ўтирганда ўртоқлари билан қулишиш, ҳар хил нарсаларни гапириб, ўқитувчидан яширин ҳолда бўлмағур ишларни қилиб ўтириш энг ёмон ишдир. Дарс тугагандан кейин тўғри уйга бориш керак.

Яхши ўқувчи одобли бўлади, тушунмаган нарсасини дарров ўқитувчидан ёки аълочи ўқувчилардан сўраб билади. Билмаган ўқувчиларни мазах қилмайди, балки уларга ўргатади, дарс ҳозирлашга ташвиқ қилади, синфдошлик расмини жойига қўйиб, ўзини асло катта олмайди.

Интизомли ўқувчи аълочи ўқувчилардан ибрат олишга уриниши, фалончи мендан яхши ўқийди деб ҳасад қилмаслиги, аксинча, унга етиб олишга уриниши керак. Яхши ўқувчи хоҳ мактабда, хоҳ бошқа ерда бўлсин, ўз ўртоқларини айбситмайди, низо ва ғавғо кўтармайди, ташқарида юз берган ҳар хил воқеаларни мактабда ўқувчиларга ёйиб юрмайди.

Ақлли ўқувчи ҳамма билан яхши муносабатда бўлади. Ўзидан ақлли бўлганлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, улардан ўрганади. Нодон ва жоҳил, насиҳатга қулоқ солмайдиган болалардан узоқроқ юради.

Яна шуни ҳам билиш керакки, ақлли ўқувчи муаллимига меҳр қўйиб, уни иззат қилади, ўқитувчининг айтган гапларига диққат билан қулоқ солади ва барчасини бажаришга уринади. Ўқитувчининг ҳар бир ўргатган дарслари учун раҳмат айтади. Унинг баъзан берган танбеҳларига қарши кек сақламайди, қаерда бўлмасин биров ўз ўқитувчиси ҳақида ёмон сўзларни гапирса, уларга қарши курашади. Юқоридагиларга амал қилган ўқувчи фақат ўз ўқитувчисини хурсанд қилиб қолмайди, ота-онасининг ҳам шод ва хуррам бўлишига сабаб бўлади.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

КИТОБ БИЛИМ МАНБАИ, ТАФАККУР ВА ОНГ САРЧАШМАСИДИР. УНИ ЎҚИГАНИНГ САРИ ЭЗГУЛИК НУРЛАРИ БОРЛИҒИНГНИ ЧУЛҒАБ ОЛАВЕРАДИ. ҚАЛБИНГ ЗИЁ ШУЪЛАСИ БИЛАН МУНАВВАР БЎЛИБ, ХАЁЛЛАРИНГ ЭНГ ОЙДИН ТИЛАКЛАР САРИ ТАЛПИНАВЕРАДИ. ЗЕРО КИТОБ ИНСОННИНГ ЭНГ ЯҚИН ДЎСТИ ВА ҲАМРОҲИ САНАЛАДИ.





Танловлар

ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат болалар кутубхонаси, «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати ҳамкорлигида «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови республикамиз ва Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида уч босқичда бўлиб ўтди.

Биринчи босқичда 10.000 нафар ўсмир ёшлар, иккинчи босқичда эса 500 нафар ёшлар қатнашдилар. Шулардан энг доно ва зукколари саралаб олинди ва республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида «Энг яхши китобхон» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон республикаси ва Тошкент шаҳридан жами 13 нафар ўсмирлар иштирок этдилар.

—Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад, —дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданий-маърифий ва ҳуқуқий ишлар бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ғулом Нарзуллаев,—ёшларимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга юксак ҳурмат билан қарашга ўргатиш, уларнинг илмий, дунёвий, сиёсий билимларини янада мукаммаллаштириб, қалбларида яхшилик, меҳру-муҳаббат, ҳалоллик, диёнат ва софлик каби ҳис-туйғуларни шакллантиришдан иборатдир. Асосийси эса, ёшлар бўш вақтларини кутубхоналарда ўтказиб, китоблар мутолааси билан кўпроқ шуғулланишлари кўзда тутилган.

Танлов таништирув, китоб мутолааси ва эркин мавзулардан иборат бўлган учта шарт бўйича ўтказилиб, қатнашчилар унда ўз маҳоратларини, истеъдодларини ва бор билимларини намойиш этдилар.

Ғолиблар ҳакамлар ҳайъати томонидан одилона тарзда баҳоланиб борди. Ғолибларга «Камолот» ЁИҲ эсдалик совғаларини тақдим этди.

—Мен жуда бахтиёрман,— дейди Тошкент шаҳридан учинчи ўрин совриндори Хуршида Мусабоева, -танлов менда жуда катта таассурот қолдирди ва янги-янги дўстлар орттириш имкониятини берди. Китоблар менинг энг яқин сирдош дўстларим, улар билан умримнинг охиригача ошно бўлиб яшайман. Чунки китоб оламни, одамни англашда ёрдам беради ва ҳамиша эзгуликка чорлаб туради.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



СУРАТЛАРДА: «Энг яхши китобхон» кўрик-танловидан лавҳалар.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

ТОШКЕНТДАГИ LE GRAND PLAZA МЕҲМОНХОНАСИДА 23-МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ УЧУН ХАЙРИЯ КЕЧАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Меҳмонхонанинг жамоатчилик билан алоқалар бўлими менежери Лола Шоисломова, мазкур тадбир Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланганини таъкидлади.

Ота-она меҳридан маҳрум бўлган етим болалар, Меҳрибонлик ва ногиронлик уйлари тарбияланувчиларининг муаммолари ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. 2006 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши ҳам ушбу масаланинг қанчалар долзарб эканини кўрсатиб турибди. Меҳмонхонамиз меҳнат жамоаси ҳам ушбу хайрли ташаббусдан четда қолмай, болалар учун байрам тадбирини ташкил этди, —дейди у.

Болалар яқиндагина таъмирланиб, фойдаланишга топширилган катта бассейн бўйида ёзилган дастурхондаги нозу неъматлардан баҳраманд бўлиш билан бирга, ташкилотчилар томонидан ташкил этилган совринли ўйин ва танловларда иштирок этди.

Байрам тушлигидан сўнг болалар ҳовузда мазза қилиб чўмилишди. Л.Шоисломова, меҳмонхона раҳбарияти томонидан бундай хайрия тадбирларини бундан кейин ҳам давом эттириш режалаштирилганини маълум қилди.

«Туркистон-пресс»

"Тошкент оқшоми" саломатлик хизмати

СОҒЛИҚ УЧУН ФОЙДАЛИ

ҲАММАМИЗ ҲАМ УЙГА КЕЛИБОҚ ПОЙАБЗАЛИМИЗНИ ЕЧИБ, ЕНГИЛ ТОРТАМИЗ –ОЁҚЛАРИМИЗ РОҲАТ ҚИЛГАНДЕК БҲЛАДИ. ЛЕКИН ДАРҲОЛ УЙ ШИППАГИНИ ИЛИБ ОЛАМИЗ. АСЛИДА УЙ ИЧИДА ОЁҚЯЛАНГ ЮРИШНИНГ ҚАНЧАЛИК ФОЙДАЛИ ЭКАНИ ХАЁЛИМИЗГА ҲАМ КЕЛМАЙДИ...

Консультант – тиббиёт фанлари номзоди М. Миршарипов.

Ҳақиқатан ҳам ялангоёқ юришнинг фойдаси кўп. Даволаш-профилактика омили сифатида ялангоёқ юриш Қадимги Миср, Юнонистон, Рим шифокорлари томонидан кенг қўлланилган. Улар ушбу муолажани умуман организмни чиниқтириш учун ҳам, турли хил касалликларни даволаш мақсадида ҳам буюришган.

Суқрот ва қадимги дунёнинг бошқа мутафаккирлари эса, ялангоёқ юришни инсоннинг ақлий қобилиятини ривожлантириш усулларидан бири деб ҳисоблашган. Ўша даврларда болалар 18 ёшга тўлгандан кейингина пойабзал кия бошлашгани ҳам бежиз эмас.

Ҳозирги замон тиббиёт фани олимлари ялангоёқ юриш асаб-мускул тизимини фаоллаштиришга, артериал қон босими нормаллашиши ва барқарорлашишига, танада оксидланиш жараёнларини яхшилашга, жумладан ҳужайраларнинг кислород билан тўйинтирилишига ёрдам беришини исботлашган. Шу туфайли ялангоёқ юришни ёқтирадиган кишиларда ҳамиша яхши кайфият, лабларида кулгу ва таналаридан куч ёғилиб туришини кузатиш мумкин.

Боз устига ялангоёқ юриш кўплаб ижобий ҳиссиётларни келтириб чиқарадики, бу ўз навбатида стенокардия, гипертония каби асримизнинг кўпгина касалликларининг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Гап шундаки, оёқ кафтлари одам танасининг ташқи таъсирларга ғоят сезгир ва акстаъсир билан жавоб берувчи қисми ҳисобланади. Унинг бир квадрат сантиметрида терининг исталган бошқа қисмига нисбатан анча кўп механик ва иссиқлик рецепторлари жамланган.

Ялангоёқ юрилганда ўша рецепторлар фаоллиги ортади, оёқ кафтларида жойлашган биологик фаол нуқталар "уйғонади". Ушбу нуқталарнинг ҳар бири у ёки бу ички аъзо билан боғлиқлиги туфайли эса, биологик фаол нуқталарнинг "уйғониши" танамиздаги барча ички аъзолар ва тизимлар ишини кучайтиради.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, пойабзал доимий равишда оёқларга бир хил яхши шароит яратиб беради ва бунинг натижасида биологик фаол нуқталар функцияси сусаяди. Оёқ кафтларининг бундай доимий равишда "иссиқхоналар" шароитида яшаши баъзан тасодифан салгина совуқда қолишдан ҳам шамоллаш касалликларига дучор бўлишга олиб келади.

Олимларнинг аниқлашларича, оёқ кафтларида жойлашган биологик фаол нуқталар билан юқори нафас йўллари шиллиқ пардаси ўртасида мустаҳкам рефлектор алоқаси мавжуд экан. Ялангоёқ юриш оёқларимизни туғма табиий шароитларга қайтаради, оёқ кафтларимизни машқ қилдириб чиниқтиради, чидамлироқ қилади.

Ялангоёқ юришнинг яна бир ижобий жиҳати мавжуд. Киши ҳаракат қилаётганида тананинг кийимга ишқаланиши натижасида электр зарядлари ҳосил бўлиши маълум ва синтетик кийимлар кийилганда у айниқса кўп тўпланади. Ҳар қандай техник воситалар сингари тирик организмга ҳам ерга уланиш талаб қилинади. Пойабзал танамиз юзасидаги электр зарядларини чиқариб ташлашга тўсқинлик қилади. Оёқ кафтлари ерга бевосита тегадиган бўлса, зарядлар бемалол чиқиб кетади.

Хўш, ялангоёқ юришни нимадан бошлаш керак? Жисмоний тарбиядаги ҳамма учун умумий қоида (ялангоёқ юриш ҳам жисмоний тарбия турига киради) – бу аста-секинлик билан киришиш, мунтазамлилик ва узлуксизликдан иборат. Уйда гилам устида, дағал пойандоз бўйлаб ёки тахта пол устида юришдан машқни бошлашга уриниб кўринг. Ушбу машқларни ўзлаштириб, ҳеч қандай ноқулайликларни сезмайдиган бўлганингиздан кейин совуқроқ ва нотекисроқ юзалар - қум, тош, шағал бўйлаб юриш мумкин.

Иссиқ кунлар бошланиши билан ҳавонинг қандай бўлишидан қатъи назар кўчага ялангоёқ чиқишга ҳаракат қилинг. 15-20 дақиқадан бошлаб ялангоёқ сайр қилиш вақтини кўпайтириб боринг. Ёзда илиқ кўлмакларни чапиллатиб чопиш, қишда эса 2-3 дақиқа давомида қор устида югуриш фойдали. Ялангоёқ юриш машқларини ҳар куни иссиқ ва совуқ оёқ ванналари билан қўшиб олиб бориш айни муддао бўлади – сувнинг контраст ҳарорати ялангоёқ юришнинг чиниқтирувчи таъсирини кучайтиради.

Ялангоёқ юриш муайян гигиена қоидаларига риоя этишни талаб қилади. Ташқарида ялангоёқ юриб келгандан кейин оёқларни хона ҳароратидаги сувда совунлаб ювиш керак бўлади. Уйқуга ётишдан олдин оёқ кафтларига крем суриб чиқиш фойдали. Дастлабки вақтларда қаварикларнинг пайдо бўлиши, товонлар ёрилиши мумкин. Лекин гигиена қоидаларига қатъий риоя қилинса, улар ўтиб кетади.

Спорт

РОССИЯДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ БЎЙИЧА ИККИ КАРРА ОЛИМПИАДА ВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ҲАМЮРТИМИЗ ОКСАНА ЧУСОВИТИНА УЧУН 2006 ЙИЛ ҲАМ ОМАДЛИ КЕЛДИ.

Куни кеча Санкт-Петербург шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича уюштирилган халқаро турнирда иштирок этган Оксана таяниб сакраш йўналишида барча рақибларидан маҳоратлироқ эканлигини исботлади ва биринчи ўринни қўлга киритди. Шуниси эътиборлики, бундан сал аввалроқ Россия пойтахти Москва шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳам Оксана муваффақият қозонган ҳамда олтин медаль эгасига айланган эди.

КИЧИК ҲИСОБЛАР ҚАЙД ЭТИЛДИ

МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 12-ТУР БАҲСЛАРИ ЮРТИМИЗДА ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИНИНГ САВИЯСИ ТОБОРА ОШИБ БОРАЁТГАНЛИГИНИ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАДИ.

Гап шундаки, ушбу турнирда «Хоразм»ни ўз майдонида қабул қилган мамлакат чемпиони «Пахтакор» жамоаси футболчилари 44-дақиқада Темур Копадзе томонидан киритилган ягона гол ҳисобига кичик ғалабани қўлга киритган бўлса, «Сўғдиёна» жамоаси меҳмони бўлган «Машъал» ҳам рақибини 1:0 ҳисобида енгди. Шунингдек, «Насаф» — «Қизилқум» учрашуви ҳам 1:0 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланди. «Тўпаланг» — «Самарқанд-Динамо» учрашувида ҳам кичик ҳисоб қайд этилди. Олий лиганинг янги вакили «Тўпаланг» ўзидан анча кучли ҳисобланган номдор рақибини 1:0 ҳисобида енгишга муваффақ бўлди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Трактор» — «Металлург» — 1:1, «Шўртан» — «Нефтчи» — 1:2, «Локомотив» — «Навбаҳор — Н» — 2:1.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 13-тур беллашувлари 10, 11 июнь кунлари бўлиб ўтади.

ИРОДА—БРОНЗА МЕДАЛИ СОҲИБАСИ

ДЗЮДО БЎЙИЧА БЕШ КАРРА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ ИРОДА АБДУРАҲМОНОВАГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ.

Яқинда Жанубий Кореяда дзюдо бўйича ёшлар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионати баҳсларида иштирок этган 17 ёшли Ирода бронза медалини қўлга киритди.

2004-2005 йилларда ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам совринли учинчи ўринни эгаллаган Ироданинг орзуси Қатар пойтахти Доха шаҳрида декабрда бошланадиган Осиё ўйинлари ғолиблигини қўлга киритиш.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ҲАРАКАТ ҚИЛСАНГИЗ — ЮТАСИЗ

8 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

БУГУНГИ КУННИ МУНАЖЖИМЛАР КУНДАЛИК АНИҚ ИШЛАР ВА ТАШВИШЛАР КУНИ ДЕБ АТАШГАН. КЎП ЖИҲАТДАН У БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛАДИ. ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН ХАТОЛАРНИ ТУЗАТИШ, ҲАЁТ ОЛДИМИЗГА ЯНГИДАН ҚЎЯЁТГАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ЯНГИЧА УСУЛЛАРИНИ ТОПИШ ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ.

Ўзингизни ёмон ҳис қилишингиз мумкин, лекин бўшашмасликка ҳаракат қилинг. Бутун диққатни ишга тўплаш, бугунга режалаштирилган амалларни тўла бажариш ҳам саломатлигингиз тикланишига, ҳам ўзингиз кутганингиздан ҳам ортиқроқ натижаларга эришишингизга ёрдам беради.

Тез-тез мулоқотларда бўлиш ва маънисиз суҳбатлар сизни мувозанатдан чиқариб, кўп кучингизни олиб қўйиши мумкин. Агар ўзингизни боса олмасангиз, гаплашмаганингиз маъқулроқ. Чунки бугун сўз қудратли қучга эга бўлади, ғийбатлашиш, бировларни ёмонлаш, ёлғон гапириш мумкин эмас. Сўзларингизга эътибор қилиб, бировни хафа қилмасликка интилинг.

Бу кеча кўрган тушингиз жуда муҳим аҳамиятга эга: сизни қийнаб келаётган кўпгина саволларга ундан жавобларни топасиз. Башоратли тушларни асосан тонгда ёки кундузи кўришингиз мумкин. Давомли тушлар ёки овозлар эшитилган тушлар яқин орада ўнгингизда содир бўлади.

Ошқозон-ичак йўли заифлашган ҳолатда бўлади. Руҳий хасталиклар ҳуруж қилиши мумкин.

Сариқ, ҳаворанг ва яшил рангли либосларга кўпроқ устуворлик беринг. Бошдан-оёқ янги кийиниш янада яхши бўлади. Қизил, зарғалдоқранг ва сиёҳранг либосларингизни бошқа вақтларга асраб қўйинг.



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6